

**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ\***  
к договору (контракту) от 24.01.2022 г. № 267

между Областное управление Отдела Охраны при УВД Сурхандарьинской области и Олтинсой туман ХТБ на общую сумму 6000000,00

Глава 075  
Казначейский лицевой счёт 100022860222017092100075082

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4293000			
Январь	2 000 000,00			2 000 000,00
Февраль	2 000 000,00			2 000 000,00
Март	2 000 000,00			2 000 000,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Всего за год</b>	<b>6 000 000,00</b>			<b>6 000 000,00</b>

Всего 6000000,00 сум

Шесть миллионов сум 00 тийин

сумма прописью

Месячный 100%, от указанной выше суммы который необходимо оплатить до 20 числа текущего месяца.

(\*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2-х экземплярах;

(\*\*) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(\*\*\*) — Месячный \_\_\_\_\_%, от указанной выше суммы который необходимо оплатить до \_\_\_\_\_ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



(подпись)

Ў.Орипов  
Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

О.Жумаев  
Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения

(подпись)

Получил работник заказчика

(подпись)

«    »    20    г.

«    »    20    г.

## Кўриклэш хизмати кўрсатиш бўйича

Термиз ш.

Шартнома 267 – сон

2022 йил «24» январь

Сурхондарё вилоят Кўриклэш бошқармаси номидан Низомасосида фаолият юритувчи Сурхондарё вилоят Кўриклэш бошқармаси бошлиғи подполковник А.А.УМАРОВ (кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилади) бир томондан *Олтинсой туман Халқ таълим бўлими* номидан Низом асосида фаолият юритувчи *Олтинсой туман Халқ таълим бўлими мудир* Ў. Аринов.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади иккинчи томондан, биргаликда «Томонлар» деб юритилади, мазкур Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

### 1-боб. Шартнома предмети

1.Ижрочи Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Сурхондарё вилояти Кўриклэш бошқармаси, ҳарбийлаштирилган ва соқчилик кўриклэши кўринишида техник кўриклэш пунктдан (кейинги ўринларда ТҚП деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкни кўриклэш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### 2-боб. Умумий шартлар

2.Буюртмачи: *Олтинсой туман Халқ таълим бўлими га:*

*Миллий гвардияси Кўриклэш хизмати учун тузилган икки томонлама шартнома:*

- ТҚП хизмати:**
- 1.1-мактаб Компютерхона-Периметр;
  - 2.2-мактаб Компютерхона-Периметр;
  - 3.3-мактаб Компютерхона -Ташивишгоҳ;
  - 4.4-мактаб Компютерхона -Ташивишгоҳ;
  - 5.5-мактаб Компютерхона-Периметр;
  - 6.6-мактаб Компютерхона-Периметр;
  - 7.7-мактаб Компютерхона -Ташивишгоҳ;
  - 8.8-мактаб Компютерхона -Ташивишгоҳ;
  9. 9-мактаб Компютерхона -Ташивишгоҳ;
  - 10.12-мактаб Компютерхона -Ташивишгоҳ;
  11. 14-мактаб Компютерхона -Ташивишгоҳ;
  - 12.15-мактаб Компютерхона -Ташивишгоҳ;
  - 13.16-мактаб Компютерхона- Периметр;
  - 14.17-мактаб Компютерхона-Периметр;
  - 15.18-мактаб Компютерхона -Ташивишгоҳ;
  - 16.19-мактаб Компютерхона -Ташивишгоҳ;
  - 17.20-мактаб Компютерхона -Ташивишгоҳ;
  - 18.21-мактаб Компютерхона -Ташивишгоҳ;
  - 19.22-мактаб Компютерхона -Ташивишгоҳ;
  - 20.24-мактаб Компютерхона -Ташивишгоҳ;
  - 21.25-мактаб Компютерхона -Ташивишгоҳ;
  - 22.27-мактаб Компютерхона -Ташивишгоҳ;
  - 23.28-мактаб Компютерхона -Ташивишгоҳ;

- 24.29-мактаб Компютерхона -Ташивигоҳ;
- 25.30-мактаб Компютерхона -Ташивигоҳ;
- 26.31-мактаб Компютерхона -Периметр;
- 27.43-мактаб Компютерхона -Ташивигоҳ;
- 28.44-мактаб Компютерхона -Периметр;
- 29.45-мактаб Компютерхона -Ташивигоҳ;
- 30.46-мактаб Компютерхона -Ташивигоҳ;
- 31.48-мактаб Компютерхона -Ташивигоҳ;
- 32.49-мактаб Компютерхона -Ташивигоҳ;
- 33.2-ИУТМ Компютерхона- Периметр;
- 34.50-мактаб Компютерхона - Периметр;
- 35.51-мактаб Компютерхона -Ташивигоҳ;
- 36.52-мактаб Компютерхона - Периметр;
- 37.53-мактаб Компютерхона -Ташивигоҳ;
- 38.54-мактаб Компютерхона -Ташивигоҳ;
- 39.55-мактаб Компютерхона -Ташивигоҳ;
- 40.56-мактаб Компютерхона -Ташивигоҳ;
- 41.57-мактаб Компютерхона -Ташивигоҳ;
- 42.58-мактаб Компютерхона -Ташивигоҳ;
- 43.63-мактаб Компютерхона -Ташивигоҳ;
- 44.64-мактаб Компютерхона -Ташивигоҳ;
- 45.65-мактаб Компютерхона -Ташивигоҳ;

**ҚЕОС хизмати.**

*(Объектни турини кўрсатиш (Миллий гвардия, соғлиқ, харбий)*

**Олтинсой туман Халқ таълим бўлими.**

**Манзил:** Олтинсой туман, "А.Қодирий" кўчаси, 1-уй.

*(объектнинг турак номи, жойлашган манзили)*

3. Объектнинг кўриклаш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.
4. Объектдаги кириш-чиқиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилиниб унинг ажралмас қисми ҳисобланади.
5. Объектни техник кўриклаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник кўриклаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиққан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнғиндан кўриклаш ва хавф-хатар сигналзацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.
6. Объектни кўриклашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда соқчи итлардан фойдаланиш мумкин.
7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, кўриклаш - кузатувга 3 (уч) иш куни Миллий гвардияси хизмати кўриклаш тури йўлга қўйилади.
8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи қўйилмайди, қўйилган Ижрочи эса чакириб олинади.

**3-боб. Тўловларни амалга ошириш**

9. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қуйидагича ҳисобланади:  
 пост-соат ҳисобида кўриклаш хизмати ойига 2 000 000 (икки миллион) сўм, 3 ойга 6 000 000 (олти миллион) сўм;
10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш қонуён ҳужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш қонуни ҳужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.

11. Буюртмачи мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, 10 кун ичида мазкур Шартнома баҳосининг 15 фоизи миқдоридан аванс тўловини амалга оширади. Ижрочи томонидан Буюртмачига бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома тақдим қилингандан сўнг Буюртмачи беш кун ичида аванс тўловини чиқариб ташлаган ҳолда ойлик тўловни амалга оширади.

Буюртмачи бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи бўлса, ойлик тўловнинг 100 фоизи миқдоридан аванс тўловини кейинги ой бошланишидан 10 кун олдин амалга оширади.

12. Хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловини) ўз вақтида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига ақецтсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

Мазкур Шартнома бекор қилинган ҳолларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

#### 4-боб. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

#### 13. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ижрочидан белгиланган кўриқлаш тартибига риоя этишни талаб қилиш; хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар кўрилишини Ижрочидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, кўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), қурол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқланган тақдирда Ижрочидан уларни бартараф этишни талаб қилиш; Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш.

#### 14. Буюртмачининг мажбуриятлари:

Мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 20 22 йил «24» январ даги кўздан кечириш далолатномасига асосан кўриқлашга топшириладиган объектни, алоҳида хоналарни техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз ҳисобидан техник кўриқлаш воситалари (объектнинг турига қараб пост қурилмалари ва уни иситиш усқуналари, постлараро алоқа, ички ва шаҳар телефонлари, ёнгиндан кўриқлаш сигнализацияси, объект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, кулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ваҳизматчиларнинг шахсий буюмларини сақлаш хоналари, ёнгин ўчирувчи воситалар ва бошқалар) билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш;

Ҳар қандай моддий қимматликларни объект худудининг девор тўснғидан 50 метр узоқликда (объект жойлашувини ҳисобга олган ҳолда) жойлаштириш;

Ижрочи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техник мустаҳкамлигини, кўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнгиндан кўриқлаш сигнализацияси ҳолатини текшириш кўригини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш; белгиланган кўриқлаш режими талабларини бажариш ва техник кўриқлаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлаш;

Биюда режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, объектларни қайта жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий қимматликларни сақлаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, объект ёки унинг бир қисмини бошқа шахсларга ижарага бериш ёки мулк ҳуқуқини ўтказиш, кўриқлаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки қўшимча

қўриқлаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳақида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камида \_\_\_\_\_ кун олдин огоҳлантириш;

Объектда иш куни якунида қўриқлаш сигнализациясини ёқиш, унинг носозлиги ҳолатида бу ҳақда Ижрочини огоҳлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга қадар объектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда қўриқлашга топшириш. Объектни қўриқлашга топширганлик ҳақида ТҚПни хабардор қилиб, 5 дақиқадан сўнг объектнинг қўриқлашга қабул қилинганлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиш;

Объектни, ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик қўриқлашга топшириш, эшиклар кулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном қўриқлаш сигнализациясини ва ҳудуднинг ёритилиш ҳолатини текшириш, қўриқланадиган биноларда электр жиҳозларининг, бошқа ёнғин манбаларининг ёқилган ҳолда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг объектда қолишига йўл қўймаслик;

Қўриқланаётган ҳудудда бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадокланган ҳолатда қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қўриқлашга топшириш;

Махсус журналда ўз вакили томонидан имзо қўйиш йўли билан объектларни, алоҳида хоналарни қўриқлашга топшириш, қўриқлаш тугагандан сўнг қўриқлашдан чиқариш;

Қўриқланадиган хоналарнинг бутунлиги бузилганлиги ҳақида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор қилиш ва объектга Ижрочи вакили етиб келгунга қадар кўрсатилган жойларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

Бегона шахсларга қўриқлаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пулт рақамларини ошкор қилмаслик;

Ижрочи вакилларини объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришига оид қисми билан таништириш;

## 15. Ижрочининг ҳуқуқлари:

Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя қилинишини талаб қилиш;

Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш; кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган қўриқлаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

## 16. Ижрочининг мажбуриятлари:

Объектда постлар дислокациясига (патрул йўналишига) мувофиқ қўриқлаш нарядини жорий этиш;

Мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофиқ объектни ҳамда қўриқлашга топширилган моддий қимматликларни қўриқлашни ташкил этиш ва таъминлаш;

Қўриқланаётган ҳудуддаги, лекин бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадокланган ҳолатини текшириб, қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

Объектда кириш-чиқиш ва объект ички тартибига риоя этиш, объект ҳудудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

Пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктидан бир марталик кириш рухсатномаси билан объектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

Объектни қўриқлаш вақтида жойдаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;